
Вилоят ҳокимлиги томонидан ўқув семинар ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган ва маҳаллий ҳокимликларга йўналтирилган мурожаатлар билан ишловчи ходимларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан ўқув семинар ўтказилди.

Унда шаҳар, туман Халқ қабулхоналари мудирлари, шаҳар, туман девонхона мудирлари, ҳуқуқшунослар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлар бўйича масъул ходимлар иштирок этишди.

Семинарни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Ортиқов очиб берди.

Шунингдек, маърузачилар вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Х.Умаров – “Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг жойларда ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”; вилоят Халқ қабулхонаси мудир Р.Махмудова – “2018 йил давомида вилоят Халқ қабулхонасига тушган мурожаатлар ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича олиб борилган ишлар ҳақида”; Тошлоқ тумани ҳокимлиги девонхона мудир М.Зияев – “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига тушаётган мурожаатлар ва уларни ижобий ҳал этиш борасида олиб борилаётган ишларнинг натижадорлиги тўғрисида”; вилоят ҳокимлиги бош мутахассиси Ғ.Хурсанов – “Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларни ижросини таъминлаш ва жойларда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида” мавзуларида маъруза қилдилар.

Семинар якунида савол жавоблар ўтказилиб, соҳада амалга оширилаётган ишларни янада самарали юритиш борасида ўзаро тажриба алмашилди.

2018-08-29 12:30:34